ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.K.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВ ТОХИР ХАКИМОВИЧ

ЮҚОРИ САМАРАДОРЛИККА ЭГА БЎЛГАН ОКСИДЛОВЧИ ПОЛИМЕР НАНОКАТАЛИЗАТОРЛАРНИНГ СИНТЕЗИ ВА ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ

02.00.04 -Физикавий кимё
02.00.12-Нанокимё, нанофизика ва нанотехнология

КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2018

УДК 541.128.1-126:546.262:546.98 (021)

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the abstract dissertation of doctor of sciences (DSc)

Рахимов Тохир Хакимович
Юқори самарадорликка эга бўлган оксидловчи полимер нанокатализаторларнинг синтези ва физик-кимёвий хоссалари 3

Рахимов Тохир Хакимович
Синтез и физико-химические свойства высокоэффективных полимерных нанокатализаторов окисления. 27

Rakhimov Tokhir Khakimovich
Synthesis and physicochemical properties of high-performance polymer nanocatalysts of oxidation 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works. 55

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.K.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВ ТОХИР ХАКИМОВИЧ

ЮҚОРИ САМАРАДОРЛИККА ЭГА БЎЛГАН ОКСИДЛОВЧИ ПОЛИМЕР НАНОКАТАЛИЗАТОРЛАРНИНГ СИНТЕЗИ ВА ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ

02.00.04 -Физикавий кимё
02.00.12-Нанокимё, нанофизика ва нанотехнология

КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2018

Фан доктои (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc./K8 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифада ik-kimyo.nuu.uz манзилига ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Мухамедиев Мухтаржан Ганиевич** кимё фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Юнусов Мирахмат Пулатович** техника фанлари доктори, профессор
	Умаров Абдусалом Вахитович техника фанлари доктори, профессор
	Рўзимурадов Олим Нарбекович кимё фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Умумий ва ноорганик кимё институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K.01.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил «_____»_____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел:(99871)227-12-24, факс(99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел:(99871)227-12-24, факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.Т.Шарипов
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.А.Гафурова
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д.

Х.И.Акбаров
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жахонда илмий-техник тараққиётда нанокимё, нанофизика, нанотехнологияларнинг ютуқларидан кенг миқёсда қўлланилиб келинмоқда. Нанокаталитик тизимлардан кимё ва нефть-кимё саноатида фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Айниқса, полимер материаллар асосида турли нанотизимларни яратиш соҳасидаги олиб бориладиган тадқиқот ишлари бугунги куннинг устувор йўналишларидан биридир.

Жахонда олиб борилаётган тадқиқотларни кўрсатишича, полимер материаллар юзасида металл нанозаррачаларини йўналтирилган синтези бўйича олиб борилган изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, толасимон материаллар юзасида керакли ўлчамдаги металл нанозаррачаларини олиш, бу тизимларнинг ўлчамларини ҳисоблай оладиган усулларни ишлаб чиқиш, бу тизимларни катализда иштирок этиш жараёнининг механизмини аниқлаш, хона хароратларида оксидланиш жараёнларини катализлай оладиган нанотизимларни яратиш муҳим масалалардан хисобланади. Бу тадқиқотларнинг ҳажмини ортиб боришига металл ва уларнинг бирикмаларини тутган полимер нанотизимларнинг амалий қўлланилиш соҳаларини кенгайиши сабаб бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқариш жараёнларига нанотехнология элементларини қўллаган холда замонавий талабларга жавоб бера оладиган янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Махаллий хом ашё асосида полимер материаллар ишлаб чиқарувчи корхоналарда қаттиқ сиртлар юзасига жойлашган металларни катализаторлар сифатида кенг миқёсда қўлланилиши бўйича бир қатор амалий натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясида[1] «принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш»га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада металл нанозаррачалари тутган катализаторлар яратилиши ва уларни юқори самарадорликка эга бўлган оксидловчи нанокатализаторлар сифатида қўлланилиши мухим ахамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-49-47-сон «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида», 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479 сон «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа

[1]2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси / Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова, п. 3.2.

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[2]. Нанокатализаторларнинг ҳосил бўлиш кинетикаси, механизми ва физик-кимёвий хоссалари бўйича илмий тадқиқот ишлари жахоннинг етакчи илмий марказларида ва таълим муассасаларида, жумладан Белоруссия физик-органик кимёси Институтида (Беларусь Республикаси), РФА Урал бўлими қаттиқ жисмлар кимёси Институтида (Россия), National Aerospace Laboratory of Japan (Япония), Kyoto University (Япония), Japanese Technology Evaluation Center (Япония), School of Chemistry, University of Glasgow (Великобритания), Auburn University (АҚШ), NASA Glenn Research Center (АҚШ), Carbon Nanotechnologies Inc (АҚШ), Rensselaer Polytechnic Institute (АҚШ), Kun Shan University (Тайвань), King Fahd University of Petroleumand Minerals (Саудия Арабистони), Ўзбекистон Миллий университетида, Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институтида (Ўзбекистон) олиб борилади.

Каталитик фаол материалларни синтез қилиш, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: нанокатализаторларни синтез қилишнинг сонокимёвий усули ишлаб чиқилган (Auburn University, АҚШ; Kun Shan University, Тайвань); нанокатализаторларни полимер матрицаларда ҳосил бўлиш механизми аниқланган (NASA Glenn Research Center, АҚШ; National Aerospace Laboratory of Japan, Япония); полиметалл системалардан фойдаланиб нанокатализаторлар синтез қилинган (РФА Урал бўлими Қаттиқ жисмлар кимёси институти, Россия; King Fahd University of Petroleumand Minerals, Саудия Арабистони); карбозанжирли, углеродли, кремнийли толалардан матолар асосида нанокаталитик тизимлар яратилган (Белоруссия физик-органик кимёси институти, Беларусь Республикаси; Carbon Nanotechnologies Inc, АҚШ); уч ўлчамли интеграл схемалари ва эндопротезлар яратиш учун фаол наноматолар ишлаб чиқилган (Rensselaer Polytechnic Institute, АҚШ, Japanese Technology Evaluation Center, Япония).

Дунёда полимерлар сиртига металл нанозаррачаларини киритиш орқали юқори самарадорликка эга бўлган нанокатализаторларни олиш ва каталитик хоссаларини текшириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: турли хил металлар, уларнинг оксидлари ва сульфидлари асосида нанотрубкалар олиш ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш; турли хил ўлчамга эга бўлган нанозаррачалар ҳосил

[2]Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотларнинг шарҳи http://www.scholar.google.com, http://www.sciencedirect.com, http://www.fundamental-research.ru, http://www.km.ru, http://www.dissercat.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

бўлиш механизмларини аниқлаш; нанозаррачалар ўлчамлари ва уларнинг фаоллиги орасидаги боғланишларни исботлаш; қаттиқ сиртлар юзасига иммобилланган металл нанозаррачаларининг каталитик фаоллигини аниқлаш; наноматериалларни биологик фаол материаллар сифатида тиббиётга, стимуляторлар сифатида қишлоқ хўжалигига ва нанокатализаторлар сифатида нефть хамда кимё саноатига тавсия этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Каталитик фаол полимер толаларни яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бу соҳа АҚШда, Жануби-Шарқий Осиёда ва Россия Федерациясида жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Liu J., Demir M.M., Mallick K., Witcomb M, Scurrell M., Губин С.П., Гусев А.И., Chen R., Newell J., Stonkus O.A., Kibis L.S., Khaminets S.G., Радкевич В.З., Потапова Л.Л., Подьячева О.Ю.,Yin D, Stasiak M., Studer A., Greiner A., Wendorff J.H., Qi Wang, Kaliaguine S., Ait-Kadi A., Studer A., Greiner A.,Wendorff J.H., Pochiang Ch., Qiu Ch., Zhou Ch., Winters J. ишларини мисол қилиб келтириш мумкин. Реакция механизмларини ўрганиш борасида Ertl G., Елохин В. И., Латкин Е.И., Матвеев А.В., Городецкий В.В., Толстунова Е.Д.лар катта ҳисса қўшишди.

Алоҳида хоссага эга бўлган полимерларни синтез қилиш муаммоларини ечишга ўзбек олимлари ҳам катта ҳисса қўшишган. Янги материалларни олиш ва тадқиқ қилиш бўйича Асқаров М.А., Рашидова С.Ш., Негматов С.С., Мусаев У.Н., Бабаев Т.М., Акбаров Х.И., Рахманбердиев А., Джалилов А.Т., Юнусов М. ишларини ва улар яратган илмий мактабларни алоҳида таъқидлаш лозим. Ундан ташқари, ўз вақтида У.Н.Мусаев бошчилигида ТошДУнинг синтетик полимерлар кимёси кафедрасида полимер толасимон катализаторлар яратилган ва гермоёпиқ объектларда хаёт фаолиятини таъминлаш системаларини яратиш учун қўлланилган эди. Лекин полимер ташувчиларда нанозаррачаларни ҳосил бўлиш жараёнлари, уларни каталитик ва физик-кимёвий хоссалари етарлича ўрганилмаган. Паст хароратларда СОни оксидлаш бўйича юқори каталитик фаолликка эга бўлган полимер сорбентларнинг янги турини олиш хаёт фаолиятини таъминлашнинг «универсал» тизимларини яратиш, импорт ўрнини босиш ва экспорториентирланган юқори технологик махсулотни ишлаб чиқариш учун замин яратади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-9.14 «Маҳаллий хом ашё асосида янги толасимон ион-алмашинувчи полимерлар ишлаб чиқиш» (2006-2008 йй.); А-12-52 «Полимер толалар асосида углерод оксидини паст хароратларда осидланишининг нанокатализаторлари» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юқори самарадорликка эга бўлган оксидловчи полимер нанокатализаторларнинг синтез қилиш ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

керакли ўлчамдаги палладий нанозаррачаларини тутган, СОни паст хароратларда оксидланиши полимер катализаторлари мисолида полимер толаларда нанозаррачаларни ўз-ўзидан ҳосил бўлиш шароитларини аниқлаш;

палладий нанозаррачаларини тутган тизимлар мисолида нанотехнология соҳасини туташ фанларнинг тадқиқот соҳаларидан, жумладан коллоид кимёдан ҳоли ҳолда фан сифатида шакллантириш методологиясини ишлаб чиқиш;

палладий нанозаррачаларнинг ўзига хос фазавий холати мавжуд бўлиши чегаравий ўлчамлари қийматини аниқлаш;

полимер матрицадаги нанозаррачаларнинг ўлчами билан уларнинг функционаллиги ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш, жараёнини математик моделини тузиш ва нанозаррачаларнинг чегаравий ўлчамларини ҳисоблаш усулларини тузиш;

полимер матрицадаги палладий нанозаррачалар таркибида автокатализнинг фаол марказларини локализациясини аниқлаш;

олинган материалларни ва нанотехнология объектларини чегаравий ўлчамларини аниқлашнинг ва каталитик фаолликни комплексли синовларини ишлаб чиқилган усулларини амалий қўлланилиш соҳалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти полимер толалар, фаоллаштирилган углеродли толалар, шимдирилган катализаторлар, палладий тузлари, углерод монооксиди; СОни паст хароратларда оксидланишининг углерод толаларга шимдирилган полимер толасимон нанокатализаторлари, ўсимликлар вегетацияси жараёни ,инсон ва ҳайвонларнинг хаётини сақлаш тизими.

Тадқиқотнинг предмети – кимёвий ўзгаришлар, катализ ва автокатализ, тебранма реакциялар, сорбция, десорбция, регенерация, жараёнларнинг кинетикаси ва синергизми; математик статистика усуллари, нанозаррачаларни мавжуд бўлишининг ўлчамли чегаралари; уларни синтез қилиш ва синаш усуллари; фаол марказларни локаллашуви; фойдаланишнинг реал шароитларини моделлаштириш, газларни анализ қилиш усуллари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида замонавий назарий ва амалий усуллардан фойдаланилди, жумладан, электрон ва атомкучли микроскопия, рентгенография, хроматография, СОни паст хароратларда йўқотиш катализаторларини синашнинг комплекс усули; шарларни бўяш модели, математик анализ учун амалий дастурлар пакетлари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат**:**

илк бор полимер толаларда палладий тутган нанозаррачаларнинг ўз-ўзидан ҳосил бўлишининг физик-кимёвий хоссалари аниқланган;

полимер матрицадаги полимер ташувчининг табиатини ўзгартириб турган ҳолда нанозаррачаларнинг ўлчамларини бошқариш аниқланган;

палладий нанозаррачалари билан модифицирланган полимерлар иштирокида тебранишлар даври катта бўлган осцилляциялар билан борадиган СОни паст хароратларда оксидланиш реакциясининг автокаталитик характери исботланган;

полимер матрицадаги палладий нанозаррачаларини ўлчами билан каталитик фаоллик ўртасидаги боғланиш борлиги асосланган;

нанозаррачаларгагина хос бўлган ва уларнинг хоссаларига жавоб берадиган фазавий холатларни мавжуд бўлиш чегараларини аниқлаш учун яратилган назарий модел асосида чегаравий ўлчамларни ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган ҳамда ушбу нанозаррачалар ўлчамларини нанотизимлардан талаб қилинадиган хоссаларнинг максимал қийматлари аниқланган;

ташувчилар сиртида жойлашган палладийтутган нанозаррачаларнинг таркибидаги фаол марказлар кристалл панжаранинг қирраларида эмас, балки фасетларида жойлашиши ва бу эса бошқа нанозаррачалар тутган тизимларда ҳам кузатилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат**:**

захарлилиги юқори бўлган углерод оксидининг (ис гази) паст хароратларда йўқотишнинг каталитик оксидлаш орқали карбонат ангидридига айлантиришнинг самарали усули ишлаб чиқилган;

ёпиқ объектлардаги углерод оксидини охиригача йўқотиш қобилиятига эга бўлган полимер материаллар олинган;

нанотизимларни ажойиб хоссаларига жавоб берадиган фазаларни ўлчамли чегараларини аниқлаш усули ишлаб чиқилди, шу билан бирга амалий техник муаммоларни ечиш, масалан, маълум ўлчамли заррачалар тутган суртилган нанокатализатоларнинг махсулот сериясига буюртма бериш учун нанотехнологиялар объектларини мақсадли синтез қилиш ҳамда СО ни паст хароратларда оксидланиш катализаторларини фаоллигини ўлчаш учун миқдорий усул ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги амалий натижалар тадқиқ қилишнинг замонавий усулларидан фойдаланилганлиги билан асосланади, жумладан, электрон ва атом-кучли микроскопия, рентгенография, хромотография, сенсорли детекторлаш, математик анализ ва математик статистиканинг замонавий усуллари.

Иш бўйича хулосалар жараёнлар кинетикаси ва термодинамикасининг, кристаллокимё, молекуляр адсорбция ва ион мувозанатнинг замонавий назарияларида ишлатиладиган тенгламалардан фойдаланиб топилган натижаларга асосланган.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий ахамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий ахамияти нанотизимлар учун критик ўлчамли чегараларни топиш муаммосининг ечими таклиф этилиши, бу чегаралардан пастда материаллар нанозаррачаларнинг махсус хоссаларига хос, ундан юқорида эса ўзларини оддий массив объект каби тутиши, баъзи холларда эса нанохоссаларнинг пайдо бўлишини қуйи чегараси ҳам бўлиши мумкинлиги, бу чегаралардан пастда материал кластер ёки чин эритмаларнинг хоссаларини намоён қилиши, чегараларнинг қийматлари ҳар бир полимер наносистемалар учун турличалиги билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий ахамияти углерод оксидини ҳаво кислороди ёрдамида паст хароратларда каталитик оксидлашнинг самарали

натижаларини олиш углерод оксидини ёпиқ объектлар атмосферасидан йўқота оладиган полимер материаллар яратишга, чегаравий ўлчамларни аниқлаш методикаси эса нанотизимлар иштирокида борадиган саноат жараёнларини оптималлаштириш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларини жорий этилиши. Юқори самарадорликка эга бўлган оксидловчи полимер нанокатализаторларнинг олиш ва уларнинг хоссаларини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

назарий модел асосида ишлаб чиқилган суртилган нанокристалларнинг фаол фракцияларини ўлчамларини чегарасини ҳисоблаш усули «ЎЗКИМЁСАНОАТ» АЖда амалиётга жорий этилган («ЎЗКИМЁСАНОАТ» АЖнинг 2016 йил 14 августдаги 10/2355/Ч сон маълумотномаси). Натижада самарали ўлчамларга эга бўлган нанокатализатор зарраларини олиш ва қўллаш имконияти яратилган;

нанокристалларни фаол фракцияларини чегаравий ўлчамларини ҳисоблаш усули «Максам Чирчиқ» АЖда амалиётга жорий этилган («ЎЗКИМЁСАНОАТ» АЖнинг 2016 йил 14 августдаги 10/2355/Ч-сон маълумотномаси). Натижада аммиак ишлаб чиқаришдаги газларнинг конверсияси жараёнида қўлланиладиган нанокатализатор заррачаларини оптимал ўлчамларини аниқлаш имконини берган;

нанокристалларнинг фаол фракцияларини ўлчамларини чегарасини ҳисоблаш усули 3467352435/2016/Rus рақамли «Разработка и вывод на мировой рынок серии лекарственных препаратов на основе наноплатформы нового поколения BIND AccurinsTM» мавзусидаги лойихани бажаришда турли кўринишдаги нанотизимлар ва наноматериалларни фаоллиги чегара ўлчамларини аниқлашда фойдаланилган (Россиянинг Тиббий таълим халқаро институти 2017 йил 20 февралдаги 35/17-сон маълумотномаси). Натижада наноплатформалар асосида дори воситаларининг янги авлодини яратиш имконини берган;

ишлаб чиқилган «Жойлаштирилган нанокристалларнинг фаол фракциялари ўлчам чегараларини аниқлаш» усули Ф-7-012 рақамли «Ион тутувчи металлар модел системалари структураси ва юза марказларининг шакланиш қонуниятлари ва улар асосида нефт ва газни қайта ишлаш гидрогенизацион жараёни катализатори» фундаментал лойиха бажарилишида синтез қилиб олинган катализаторлар намуналарини фаол структуралари ўлчамлари аниқлашда ва олинган натижаларни каталитик фоллиги орасидаги боғлиқлик аниқлашда фойдаланилган (Фан ва технология агентлигининг 2017 йил 7 ноябрдаги ФТА-02-11/1035-сон маълумотномаси). Натижада катализаторларнинг энг фаол структуралари ўлчамини (5,0-10,0 нм) аниқлаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 22 та, жумладан 8 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик

диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 та мақола республика ва 2 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 192 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларниинг илмий ва амалий ахамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтиилган.

Диссертациянинг «**Полимер толаларда палладийтутган нанозаррачалар олиниши**» деб номланган биринчи бобида нодир металлар нанозаррачалари билан модифицирланган полимерларни синтез қилиш шароитларини ўрганишга, замонавий ёндашувларни ва оламшумул кашфиётларни таҳлилига, полимер толани шимдириш орқали нанозаррачаларни ҳосил бўлишида полимер нанотизимларни олишнинг ишлаб чиқилган усулини ахамиятини англашга бағишланган.

Адабиётлардаги замонавий тенденцияларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, нанозаррачалар билан модифицирланган каталитик фаол полимерларнинг синтез қилиш усуллари долзарблигини йўқотмаган ва ривожланиш истиқболларига эга. Бу усулнинг афзаллиги – осонлиги, ўлчамларни бошқариш имкониятининг борлиги, органик реагентларсиз полимер матрица ёрдамида нанозаррачаларни стабиллаштириш имкониятининг борлигидир, бу субстратларни фаол юзага келишини тезлаштиради.

Полимер нанотизимларни ноодатий функционаллигига сабаб бўлган назарий қарашларни ишлаб чиқиш ва синтез қонуниятларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Полимер толаларда нанозаррачаларни ўз-ўзидан ҳосил бўлиш шароитлари тажрибада топилган, у қуйидаги босқичлардан иборат: полимер толани юзасини оксидлаш йўли билан тайёрлаш; полимер толага (масалан фаол углеродли толага) палладий тузининг сувли эритмасини шимдириш; ишқор билан ишлов бериш; шимдирилган палладийни қуритиш ва бошқариб турган ҳолда қайтариш.

Фаол полимер нанотизимларнинг ҳосил бўлиши таркибида палладий билан комплекс ҳосил қила оладиган фаол функционал гуруҳ тутмаган полимер толаларда кузатилади, ундан ташқари, толаларнинг катта юзага эга бўлиши керак. Бундай талабларга углеродли толасимон материаллар (УТМ) жавоб

беради, уларнинг юзаси минимал даражада функционал гуруҳ тутган бўлса-да, юқори қийматга эга, полиолефин толаларда эса буни акси.

Полимер толага палладий тузларини шимдириш тегишли ванна модулига мос равишда олиб борилди. Оптимал ванна модули қиймати углеродли толасимон материаллар учун пастлиги, бу қийматга полипропилен толаларники яқинлиги углеродли толалар гидрофоблиги билан тушинтирилади, чунки углерод маълум миқдорда кимёвий инерт ҳисобланади. Бу унга металларни чўкишини қийинлаштиради. Ванна модули қийматини ошириш ва металл эритмаларини тола юзасига бир текисда тақсимланиши учун дастлабки оксидлаш ишлови ўтказилади.

Оксидлаш жараёни юмшоқ шароитларда ҳаво кислороди билан ҳаво термостатида 100-110°С да турли вақт оралиғида ўтказилади. Ҳаво кислороди билан оксидлаш натижасида углеродли толаларнинг палладий ионига нисбатан сорбцион қобилияти 0.3 дан 1,8 мэкв/г га, таъсир этиш даври эса 1 соатга ортади.

Оксидлаш йўли билан ишлов берилган вақтда ванна модулини оптимал қиймати анчагина ўзгаради. «Карбопон-Актив» толаси ~60 мин давомида 116±4°С хароратда ишлов берилган вақтда ванна модули оптимал қиймати максимал қийматга эга бўлади (1-расм).

Ишқор билан ишлов бериш СОни оксидланишида полимер толаларнинг каталитик фаоллигини ошириш учун палладийга нисбатан оз миқдорларда қўлланилди (3-расм). Бунда нанокатализаторларнинг барқарорлигини ортиши ҳам кузатилади.

Палладийнинг қийин эрийдиган гидрооксидини ҳосил бўлиши юза остидаги структураларга етиб боришига тўсқинлик қилади ва бу билан палладийни металл холатигача тўлиқ қайтарилишини олдини олади; палладийнинг оксидланиш даражаси турлича бўлган структуралари ҳосил бўлади, бу ажойиб юқори самарадорли каталитик хоссаларига эга бўлган нанозаррачаларни ҳосил бўлишига шароит яратиб беради.

Нанозаррачаларни олишда қуритиш жараёни кенг ишлатилади. Нанозаррачаларнинг ўлчамларини бошқариш учун қуритиш тезлигини тажрибада олдиндан бериб боришнинг мақсади - тажриба давомида қуритиш



1-расм. Ванна модули оптимал қийматига оксидловчи ишловнинг харорати ва вақтини таъсири. Тола - «Карбопон-актив», муҳит – ҳаво, оқим тезлиги – 80 мл.мин

3-расм. Ишқор билан ишлов беришни каталитик реакция профилига таъсири. Ташувчи тола – Мтилон-М, оқувчан зайлда синалган, палладий миқдори : 1% (1, 2); 4% (3,4); 8% (5,6). 1,3,5 – ишқор билан ишлов берилмаган; 2,4,6 – 40% NaOH таъсир этгандан кейин.



параметрларини олдиндан бериш ёки ўлчаш имкониятидан, ўрганилганлик даражаси юқорилигидан, қуритиш жараёнларини формаллаштириш ва алгоритмлаш ва бошқа аргументлардан келиб чиқади. Хароратга боғлиқлик графигида учта қуритиш соҳаси мавжуд: 1) материалнинг барча нуқталаридан харорат ортади; намлик миқдори камаяди. 2) буғланиш юзасидаги харорат ўзгармайди ва нам термометрнинг хароратига тенг; материалнинг намлик даражаси чизиқсимон камаяди – доимий тезлик даври t2, критик намлик $\omega_{кр.}$ даражасига етгунига қадар давом этади; 3) материалнинг юзасидаги харорат ортади, марказда ортиш кечроқ кузатилади. Материалнинг ички қисмида харорат градиенти $dt/d\tau>0$ пай бўлади, у вақт ўтиши билан ўзгаради ва нихоятда материал харорати қуритиш агентининг хароратига тенглашади.

Тадқиқот ишларида t2 - қуритишнинг доимий хароратини иккинчи даври давомийлиги кўрсаткичидан фойдаланилди, унинг қиймати қуритиш тезлигига тескари пропорционал. Қуритиш диаграммасида барча учта давр кузатилади (2-расм). Тадқиқотлар натижаларига кўра полимер нанокатализаторларнинг фаоллиги қуритиш шароити билан белгиланади. Масалан, иккинчи даврнинг

2-расм. Полимер толаларга палладий сувли эритмаси шимдирилганидан кейин қуритиш диаграммаси. Тола - «Карбопон-актив», азот 22 мл/мин, Т=406К. Пунктир чизиқлар билан экстраполяция чизиқлари кўрсатилган (биринчи ва учинчи давр); учларда ромб чизилган тўғри чизиқ қуритишнинг иккинчи даврини акс этади.



давомийлиги 10 минут этиб белгиланган бўлса, юқори фаолликка эга бўлган нанокатализаторлар олиш мумкин (4-расм).

Нанозаррачаларнинг ўртача ўлчамларини қуритиш тезлигига боғлиқлигини, сувнинг буғланиши эритмаларнинг концентрацияларини тўйинган ва ўта тўйинган концентрацияси ортишига олиб келиши ва қаттиқ заррачаларни чўкмага тушиши билан тушунтириш мумкин.

Чўктириш тезлигини ошириш етилмаган металл қолдиқлари тутган ва ғовакли юза қатламига эга бўлган бошланғич нанозаррачаларнинг золларини шаклланишига олиб келиши керак. Агар эритма ва чўкма узоқ вақт мувозанатда бўлса, чўкмаларда освальдли етилиш жараёни кечади, бу жараён аналитик кимёда яхши ўрганилган (гравиметрия).

Ҳақиқатан ҳам, заррачаларнинг ўртача ўлчами қуритиш вақти ортиши билан ортиб боради (4-расм). Логарифмик шкалада ўртача диаметрнинг қуритиш давомийлигига боғлиқлиги бир текисда эканлигини кўриш мумкин.

Нанозаррачаларнинг ўлчамлари учун полимер ташувчининг роли муҳим, унинг гидрофоблиги ортиши билан томчилар катталашиши ва заррачаларнинг ўлчами ортиши кутилади. Турли полимер толаларда қуритиш шароитлари яқин бўлган тажрибалар қўйилган. Хақиқатан ҳам, йирик заррачалар полиолефинларда, полипропилен толаларда ҳосил бўлади, улар гигроскопик катион ва анион-алмашувчиларда қуритилганда ҳосил бўлмайди. Таркибида ионоген функционал гуруҳлар тутган звенолар полипропилен толага пайванд қилинганда, қайтарилишсиз заррачалар аниқланмаслигга олиб келади. (1-жадвал).

Палладийни металлгача СО таъсирида қайтарилиши металл заррачаларнинг ҳосил бўлишига олиб келади, баъзи холатларда – толалар юзасини қорайиши кузатилади.

Шундай қилиб, олинган натижалар қуритиш параметрларини бошқариб турган ҳолда берилган ўлчамли нанозаррачалар олиш имконияти мавжудлигини тасдиқлаб берди. Бундан келиб чиқадики, юқори самарадор нанокатализаторларни яратиш иккита вазифадан иборат бўлиши мумкин:

Заррачаларнинг фаоллиги юқори бўлган чегара ўлчамларини топиш;



4-расм. Углерод толага шимдирилган палладийтутган нанозаррачаларнинг фаоллиги А ва ўртача диаметри D қийматлири қуритиш давомийлиги ҳар ҳил кўрсатгичларида олинган. t2 – қуритишнинг иккинчи даври давомийлиги. Гистограмма логарифмик шкалада нанозаррачаларнинг ўртача диаметрлари.

Синтезнинг бундай параметрларини қуритиш жараёнини бошқариш орқали танлаш, бунда нанозаррачаларнинг чегара ўлчамларидаги миқдори максимал қийматга эга бўлади.

1-Жадвал. Тола табиатини палладий хлориднинг сувли эритмасини шимдириш ва қуритиш вақтида (металлга нисбатан 2%гача) дисперс заррачаларни ҳосил бўлишига таъсири

Тола -ташувчи	*Заррачаларнинг энг катта ўлчами, мкм*	
	Бошлангич	***Қайтарилганидан кейин***
Терлон	Аниқланмади	100
Аримид	Аниқланмади	100
Лавсан	Аниқланмади	150
Полиакрилонитрил	Аниқланмади	2-5
Нитрон	Аниқланмади	2-5
ВИОН АН-1	Аниқланмади	2-5
ВИОН КН-1	Аниқланмади	2-5
Гексаметилендиамин билан модифицирланган ПАН	Аниқланмади	2-5
Гидразингидрат билан модифицирланган ПАН	Аниқланмади	2-5
Капрон	Аниқланмади	100
Капрон- пайв.ПАН	Аниқланмади	150
Полипропилен	0.1 дан кам	400 гача
Полиэтилен	0.1 дан кам	150
Полипропилен-пайв-ПАК-ПАН	Аниқланмади	4-8
Углерод тола «Мтилон-М»	0.1 дан кам	0.1 дан кам

Синтезнинг кейинги босқичи – қайтарилишли ишлов бериш – критик ҳисобланмайди: кислород таъсирида, полимер толаларда палладийтутган нанокатализаторлар иштирокида паст ҳароратларда борадиган СОни оксидланиш жараёни автокаталитик ва тебранма ҳисобланади (5-расм). Шунинг учун қайтарилиш субстрат сифатида СО таъсирида содир бўлиши мумкин.

Синтезнинг яна бир қийин муаммоларидан бири – нанозаррачалар ҳосил бўлганидан кейин уларни агрегациясини олдини олиш; унинг учун уларни шу заҳотиёқ барқарорлаштириш лозим. Агар ташувчи сифатида ривожланган юзали полимер тола ишлатилса, барқарорлаштириш учун лигандлардан ёки сувда эрийдиган полимерлардан фойдаланишнинг зарурати бўлмайди: тола нанокатализаторлар заррачалари учун стабилизатор вазифасини ўтайди.

Диссертацияни «**Нанозаррачалар билан модифицирланган полимерларнинг физик-кимёвий хоссалари**» деб номланган иккинчи бобида полимер нанотизимлар иштирокида оксидланиш жараёнини ўрганиш натижалари, газ-ҳаво аралашмаси компонентларини таъсири, модель система сифатида кристаллик ташувчилар билан бирга матрица-ташувчиларнинг табиатини ўрганиш натижалари келтирилган. СО иккита йўл билан оксидланиши мумкинлиги кўрсатиб берилган:

- Палладий металлгача қайтарилиши билан, гомоген муҳитда ёки алюминий оксидига суртилган платина гуруҳи металлари иштирокида

5-расм. СО ни Pd-УТМ да қайтарилишсиз (1) ва H_2 : Pd^{2+} = 0.2 : 1 нисбатда ишлов берилганидан кейинги оксидланиш реакцияси профили. «Карбопон-актив» толаси, импульс зайлида синалган. $[CO]_{дастлаб}$ = 2,0 хажм.%.



борадиган оксидланиш жараёнига ўхшаб, иш жараёнида дезактивланиш содир бўлади. Жараённи каталитик деб бўлмайди, палладий ионлари сарф бўлади. Газ аралашмасининг намлиги ортиши ва намуналарнинг намлиги ортиши билан каталитик фаоллик ортиб боради;

- Ҳаво кислороди таъсирида автокаталитик оксидланиш натижасида, худди СОни алюмосиликат, алюмохром ёки хром оксидидаги палладий катализаторлари иштирокида оксидланиш жараёнига ўхшаш. Жараён тебранма каби боради. Намликни таъсири сувнинг оз концентрацияларида максимумга эга. Катализаторлар хона хароратида ҳаво кислороди иштирокида СОни оксидланиш реакцияларида юқори фаоллиги ва барқарорлиги билан характерланади.

Агар ташувчи полимер толаси бўлса, иккала вариант ҳам намоён бўлиши мумкин. Ташувчи сифатида комплекс ҳосил қиладиган гуруҳларга эга бўлган полимерлардан, полиолефинлардан фойдаланилса, палладий металл холатигача қайтарилади. 0,4 мм ли металл палладий ҳосил бўлади, сўнгра СО оксидланиши тўхтайди. Агар фаоллаштирилган углерод тола ишлатилса, осцилляция кузатилади, лекин уларни даври минерал ташувчилардаги нанотизимларга нисбатан жуда катта (5- ва 7-расмлар).

Полимер нанотизимларни минерал ташувчилардагилардан муҳим фарқли томонлари топилган. Нанотизимларнинг фаол намуналари тажриба-лаборатория жиҳозига ўрнатилди, у гермоёпиқ объектни моделлаштиради, СО концентрацияси 0.01 мг/м^{3}аниқликда ўлчанди (2-жадвал).

Юқори самарадорликка эга бўлган ноорганик ташувчили катализаторлар (хром оксиди, алюмохром) ҳам СОни бутунлай йўқ қила олишмайди, юза қатлами ривожланган полимер нанотизимлар эса аксинча. Бу ҳодиса локал концентрлашув эффектини пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлса керак.

Заррачаларнинг янги хоссалари пайдо бўладиган ўлчамларининг чегарасини топиш учун нанозаррачалари ўлчамлари турлича бўлган палладийтутган нанокатализаторлар синтез қилинган. Фаолликни ортиши 100-1000 нм ўлчамли нанозаррачалар миқдори билан тўғирланади (6-расм). Мтилон-М асосида олинган полимер толалар учун диаметри 60 дан 300 нм

6-расм. Турли каталитик фаолликка эга бўлган «Мтилон-М» полимер толаларда ҳар ҳил диаметрли фракцияларнинг миқдори



диапазонда бўлган палладийтутган дисперс заррачаларнинг ўртача ўлчамларига боғлиқлик кузатилади.

2-Жадвал. Турли ташувчиларда нанокатализаторлар иштирокида СОнинг қолдиқ миқдори. Фаоллик (А) оқава, қолдиқ миқдор эса – циркуляцион режимда ўлчанган.

Нанокатализатор ташувчиси	*СОЕ, мг/г*	*А* 10^5,моль/л*с*г*	*СО қолдиқ миқдори, мг/м³*
Хром оксиди		21,2	0.2
Алюминий оксиди		2.4	18.6
Алюмосиликат		6,2	4.6
Алюмохром		17.8	12.2
Полипропилен толалар	0.02	0.2	4.4
Углеродли толалар (УТМ)	480	12.1	<0.01

Бу адабиётлардаги маълумотларга мувофиқ, ўрганилган системаларга нисбатан жуда катта ўлчам.

СОни бутунлай йўқотиш ўлчамли эффектлар билан боғлиқ. СО ни бутунлай йўқотишга маълум полимер системалардагина эришилди, улардаги заррачаларнинг ўлчамлари паст ва юқори томондан чегараланган (3-жадвал).

Дисперс заррачаларнинг ўлчамлари оксидланиш реакцияси турига ҳам боғлиқ. Диаметри 10 нм бўлган кичик ўлчамдаги заррачалар палладийни металлгача нокаталитик қайтарилиши билан таъсир кўрсатади (7-расм).

Йирикроқ заррачалар автокаталитик хоссаларни намоён қиладилар, реакция тебранма характерга эга бўлади, фаоллик қисман қайтарилганидан кейин кузатилади, ўртача ўлчамдаги заррачалар дарҳол автокаталитик хоссага эга бўладилар, у секин-аста камайиб боради.

Шундай қилиб, реакция механизми заррачанинг энг кўп учрайдиган ўлчамига боғлиқ. Бу вазиятда «нанозаррача» терминини йирик ўлчамлисига – 0,1 дан 1 мкм ўлчамли заррачаларга қўлласа бўлади, 10 нмдан кичик бўлган заррачаларга қўллаб бўлмайди.

Наноструктуралар билан таъсирлашаётган СО ҳам қайтарувчи, ҳам оралиқ металларнинг комплекс ҳосил қилувчиси, ҳам палладий тутган заррачаларни ўсиш регулятори вазифасини ўташи мумкин. Қайтарилиш уларни ҳосил бўлиши

7-расм. Турлича ўртача ўлчамли нанозаррачалар тутган полимер толалар иштирокида СО оксидлданиш профиллари. “Карбопон-актив” толаси, импульс зайлида синалган



учун зарур бўлган таъсирлашувми, ёки субстратнинг комплекс ҳосил қилувчи қобилияти ахамиятга эгами, буни аниқлаш учун газли оқимга СО таъсир этгунига қадар водород дозалаб юборилди. Ҳар бир сериядан энг фаол намуналар учун бошланғич фаоллик қиймати қўшиладиган қайтарувчининг миқдори ўзгаришига қараб тўғирлаб борилди.

3-Жадвал. Турлича ўртача ўлчамли нанозаррачалар тутган «Мтилон-М» иштирокида СОнинг қолдиқ миқдори. Фаоллик (А) – оқава режимда максимал намоён бўлган; СОнинг қолдиқ миқдори циркуляцион режимда ўлчанган.

Нанозаррачаларнинг ўртача диаметри, нм	*Фаоллик, А* 10^5моль/л*с*г*	*СО қолдиқ миқдори, мг/м^3*
5		22.2
28	1,6	16.6
50	2,4	0.200
98	3,2	0.120
405	4,1	0.120
357	5,6	0.040
264	6	<0.01
125	12,3	<0.01
210	27,5	<0.01

Ҳар битта сериядаги фаолроқ намуналар учун бошланғич фаолликнинг қиймати қўшиладиган қайтарувчининг миқдори ўзгариши билан корреляция қилинади, бунда аниқ ифодаланган максимумдан ўтади (8-расм).

Агар нанокатализаторлар олдиндан қисман қайтаришга учратилса, каталитик фаол структуралар ҳосил бўлади, улар субстрат таъсир этиши билан СОни юқори тезликда оксидланишини таъминлаб беради. Бундай холатларда бир вақтнинг ўзида палладийни турли оксидланиш даражасига эга бўлган фазалари бўлиши лозим. Электрон микроскопия маълумотларига кўра, хақиқатан ҳам палладий тутган бир нечта кристалл фазалар мавжуд (9-расм)..

Шимдирилган заррачаларнинг ўлчамини таъсирини кузатиш натижасида қайтариш нанозаррачаларнинг ўлчами йирик бўлган намуналарнинг

8-расм. СОни оксидланиш реакциясида “Мтилон-М” углеродли толада палладий-тутган нанокатализаторларнинг фаоллигини А нанозаррачаларнинг ўртача диаметри D ва водород билан қайтариш учун ишлов бериш даражасига боғлиқлиги.



фаоллигини ошириши, лекин диаметри 10 нм гача бўлган нанозаррачалар кўп бўлган намуналарга кам таъсир кўрсатиши аниқланди (10-расм). Тажрибалар натижасига кўра, қайтарувчининг табиатидан қатъий назар, нанозаррачаларнинг ўртача ўлчамлари каталитик фаолликнинг қийматини белгилаб беради.

СОни оксидланишида бошланғич босқичида ҳам, юқорифаол катализ босқичида ҳам нанозаррачаларнинг ёки йирикларини ўзи, ёки майдалари жавобгар бўлади. Тажрибалар шу гипотезаларни инобатга олган ҳолда режалаштирилди. Ҳар бир полимер тола учун 10 та намунадан иборат серияда ўтказилди, заррачалар ўртача ўлчамлари билан ва ўлчамига қараб тақсимланиш дисперсияси билан фарқ қилади. Сериянинг ҳар бир намунасидан намуна танлаб олинди (ҳар биридан 10 тадан) ва водород билан қисман қайтаришга учратилди. фаол компонент - палладийни қайтарилиш даражаси - ҳар бир намуна учун қўшилган водороднинг миқдорига қараб таққослаб борилди. Натижаларни кўрсатишича, бошланғич фаоллик қайтарилиш чуқурлиги ортиши билан ошиб боради, унинг максимал қиймати ўртача ўлчамлари кўп бўлган намуналар томонига силжийди.

Қайтарилмаган намуналар учун СОни оксидланишини бошланғич тезлиги кичик ва асосан кичик диаметрли, ўлчами 5 нм бўлган нанозаррачалар билан аниқланади. Олдиндан қайтариш каталитик фаол структураларни ҳосил бўлишига олиб келади, улар СО оксидланишини юқори бошланғич тезлигини

9-расм. ЕМ натижалари бўйича палладий тутган нанозаррачаларнинг углеродли толасимон материалларда тарқалиши.



таъминлаб беради. Тажрибалар кўрсатишича, қайтарилиш даражасининг ортиши билан катта ўлчамли нанозаррачалар фаолроқ бўлиб боради (10-расм).

«Карбопон-Актив»да «Мтилон-М» полимер толасига нисбатан фаол заррачаларнинг диаметрлари қиймати кичик, лекин абсолют қийматига кўра катта ўлчамли заррачалар фаолроқ ҳисобланади.

Чегара ўлчамларнинг интервали углеродли толанинг табиатига ва қайтарувчи билан ишлов берилишига қараб, жуда кенг ёки тор бўлиши мумкин. Бундан келиб чиқадики,юқори каталитик фаолликка эга бўлган «Карбопон-Актив» полимер толаларни синтез қилиш учун ўлчами бўйича тор тақисмотга эга бўлган нанозаррачаларни олиш имконини берадиган синтез қилиш усулларини қўллаш лозим. «Мтилон-М» асосидаги толалар ўлчами бўйича кенг тақсимотга эга бўлган шимдирилган катализаторлар олиш имконини беради, лекин бунда фаолликни йирик заррачалар намоён этади, уларнинг ўлчамлари яриммикрон ўлчамларга яқинлашади.

Табиийки, битта ёки бир нечта, лекин мавжудларининг барчаси эмас, фазалар каталитик фаолликни намоён қилади, яъни фаол марказлар структуранинг маълум участкаридалокаллашади. Заррачаларнинг ўлчамларини кластерлардан то юз нанометргача бўлган ўлчамларда йириклашуви вақтида фаолликнинг ортиши, бундай участкаларни миқдори заррачаларнинг йириклашуви билан ортиши кераклигини кўрсатади, яъни кристаллитларнинг қирралари ўзида фаол марказларни тўплайди.

Диссертацияниг «**Полимер нанотизимларни ўрганиш усулларини ва моделларини яратиш**» деб номланган учинчи бобида ўрганилаётган объектлар



10-расм. СО оксидланиш реакциясида фаол фракцияларни қуй ва юқори чегарала ва палладийтутган нанокатализатор-ларнинг турли УТМдаги фаоллигининг бошланғич қийматлари

ва ҳодисаларни илмий-назарий тушунчаларини чуқурлаштириш имконини берган методологик ва техник янгиликларни кўриб чиқишга бағишланган.

Нанотехнологияларни ривожланиши уни англаш соҳасига айлантирди, лекин у фан сифатида қабул қилинмайди, чунки қўшимча терминлар – нанофан, нанокимё ва б. киритилмоқда.

Нанотехнология – маълум дисперслик даражасига эга бўлган моддаларда ўзига хос хоссаларнинг пайдо бўлиши билан борадиган, лекин юзани ортишига олиб келмайдиган фазавий ўтиш ҳодисаларини ўрганадиган, ҳамда шундай хоссаларга эга бўлган объектларни ўрганадиган фан. Нанозаррачалар қаторига фақат функционал хоссалари дисперс фазанинг ўлчамига эмас, биринчи тартибли фазавий ўтиш билан боғлиқ бўлган заррачаларгина киради.

Модель реакцияларда полимер нанотизимларни ўзини тутишини таққосий баҳолаш методологияси ишлаб чиқилди. Тадқиқот ишларида асосий компонентларга анализнинг тўлиқлигини таъминлайдиган, СОни бир кубометрга миллиграмм улушлардаги концентрацияларини йўқолганини аниқлай оладиган бир нечта аналитик усуллар мужассам ҳолда қўлланилди.

СОни паст хароратларда оксидланишини каталитик системаларини ҳар томонлама характерлаш учун толасимон полимер системалардан фойдаланилди, шу жумладан учта режимдаги синовларда: импульсли, циркуляцион, оқава. Ҳар бир режим анализ усулларининг сезгирлигига нисбатан тегишли талабларни қўяди. Газ-ҳаво аралашмасдаги СОни паст хароратларда йўқотиш жараёнида намуналар самарадорлигини аниқлашнинг турли режимлари ўзаро алмашинадиган эмас, бир-бирини тўлдириб туради, чунки системаларни ўзини тутиш аспектларини ўрганиш имконини беради.

Комплекс синов принципи асосида СОни оз миқдорларида паст хароратда йўқотишда нанокатализаторланинг фаоллигини миқдорий баҳолаш методикаси ишлаб чиқилди.

Олинган натижаларни корректлигига ишонч ҳосил қилиш учун ишлатилаётган усулларнинг ишончлилик даражаси тажриба ёрдамда ўрганилди. Оқава ва циркуляцион режимларда олинган маълумотларни анализи, импульсли режимдагига нисбатан қайта такрорланувчанлик яхшироқ эканлигини кўрсатди. Ишончлилик даражаси 68%да энг ёмон натижа ўртача қийматдан 25% ортмади.

Полимер нанотизимларни ўрганган вақтда мураккабликнинг сифатли ўсиши миқдорий такрорланувчанлик тўғрисида эмас, балки фақат тенденциялар хақида гапириш имконини беради. Стандарт четланиш қийматлари математик қийматлардан фарқ қилиши мумкин. Миқдорий ўлчаш аниқлигини ошириш имкони йўқлиги,ҳодисаларни ўрганиш имкони йўқлиги дегани эмас, лекин ўрганиш методикаси биологик ва айниқса –ижтимоий объектларни ўрганиш учун қабул қилинганларга яқин.

Заррачаларни нанозаррачалар деб аташ мумкин бўлган чегараларни аниқлаш учун, шарларни бўяш Модели деб номланган назарий концепция таклиф этилган. Ҳозирги кунгача моддаларнинг массив холати билан

нанозаррачалар шаклида мавжуд бўла олиши ўртасида чегара қаердалигини ва у мавжудми ёки йўқлигини аниқлаш мумкин эмас деб ҳисобланар эди. Бундай баҳолаш мумкин, агар бир хил таркибли, структурали, лекин ўртача ўлчами ва заррачалар ўлчамининг дисперсияси хар хил бўлган заррачалар тутган функционал системалар билан тажриба ўтказилса.

Модель нанотехнологияларнинг таклиф этилган дефинициясига таянади.

